

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.06.2020.В.70.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЗАРИПОВ АБДИСАЛИМ АБДИКАРИМОВИЧ**

**1-(2'-БРОМ-4',5'-ДИМЕТОКСИФЕНИЛ)-6,7-ДИМЕТОКСИ-1,2,3,4-  
ТЕТРАГИДРОИЗОХИНОЛИН АЛКАЛОИДИ ВА  
ДИГИДРОКВЕРЦЕТИН ФЛАВОНОИДИ КОНЪЮГАТИНИНГ  
ВАЗОРЕЛАКСАНТ ТАЪСИР МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАВСИФЛАШ**

03.00.08 – Одам ва ҳайвонлар физиологияси

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қарши – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Зарипов Абдисалим Абдикаримович**

1-(2'-бром-4',5'-диметоксифенил)-6,7-диметокси-1,2,3,4-тетрагидроизохинолин алкалоиди ва дигидрокверцетин флавоноиди конъюгатининг вазорелаксант таъсир механизмларини тавсифлаш..... 5

**Зарипов Абдисалим Абдикаримович**

Характеристика механизма вазорелаксантного действия конъюгата алкалоида 1-(2'-бром-4',5'-диметоксифенил)-6,7-диметокси-1,2,3,4-тетрагидроизохинолина и флавоноида дигидрокверцетина..... 21

**Zaripov Abdisalim Abdikarimovich**

Characteristics of the mechanism of vasorelaxant action of the conjugate of the alkaloid 1- (2'-bromo-4', 5'-dimethoxyphenyl) -6,7-dimethoxy-1,2,3,4-tetrahydroisoquinoline and the flavonoid dihydroquercetin..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 42

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.06.2020.В.70.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЗАРИПОВ АБДИСАЛИМ АБДИКАРИМОВИЧ**

**1-(2'-БРОМ-4',5'-ДИМЕТОКСИФЕНИЛ)-6,7-ДИМЕТОКСИ-1,2,3,4-  
ТЕТРАГИДРОИЗОХИНОЛИН АЛКАЛОИДИ ВА  
ДИГИДРОКВЕРЦЕТИН ФЛАВОНОИДИ КОНЪЮГАТИНИНГ  
ВАЗОРЕЛАКСАНТ ТАЪСИР МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАВСИФЛАШ**

03.00.08 – Одам ва ҳайвонлар физиологияси

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қарши – 2022**

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/B202 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://qarshidu.uz/uz>) ва "ZiyoNet" Ахборот – таълим порталида ([www.ziyo.net/uz](http://www.ziyo.net/uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Есимбетов Адилбай Тлепович  
биология фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Хушматов Шунқор Садуллаевич  
биология фанлари доктори, катта илмий ходим

Чўлиев Икром Нетьматуллаевич  
биология фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат университети

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги Илмий даража берувчи PhD.03/30.06.2020.B.70.03 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил "22" 02 соат 11<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 180103 Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz). Қарши давлат университети, Педагогика факультети, 301-хона.

Диссертация билан Қарши давлат университетининг Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (82 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103 Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел.: (0375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил "7" 02 кун тарқатилди  
(2022 йил "7" 02 даги № 1 рақамли реестр баённомаси).



Ш.Қ. Курбанов  
Илмий даража берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
б.ф.д., профессор

Ш.А. Саматова  
Илмий даража берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
б.ф.н., доцент

Л.Х. Ёзиев  
Илмий даража берувчи  
илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси,  
б.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунё миқёсида юрак-қон томир тизими касалликлари ўлим даражаси бўйича ханузгача етакчи ўринни эгаллаб турибди ҳамда бу ҳолат тиббий, ижтимоий ва иқтисодий долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Айниқса, ушбу касалликларни даволашда фойдаланиладиган дори воситаларининг ижобий таъсири билан бирга ножўя таъсирининг ҳам мавжудлиги қон томир тизимининг энг кенг тарқалган патологияси ҳисобланган артериал гипертензияни олдини олиш ва даволашда ижобий натижаларнинг камайишига олиб келмоқда. Шунга кўра, замонавий фармакология ва кардиологияда аниқ нишонларга эга, ножўя таъсири кам ва самарадорлиги юқори бўлган антигипертензив дори-препаратлар яратиш ҳамда артериал гипертензиянинг олдини олишда янги ёндашувларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда сўнгги йилларда юрак-қон томир тизими касалликларини келтириб чиқарувчи потологик механизмларни аниқлаш ҳамда уларни даволашда янги самарали дори воситаларни ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, ушбу касалликларни даволаш учун янги дори воситаларни яратишда кенг фармакологик хусусиятларга эга биологик фаол бирикмаларга алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада, жумладан, флавоноидлар ва алкалоидларни антигипертензив хоссаларини аниқлаш ва уларнинг таъсир механизмларини асослаш, самарадорлигини таҳлил қилиш ва мазкур бирикмаларнинг скринингини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда ўсимлик моддаларидан кардиопротектив ва антигипертензив хоссага эга янги авлод дори воситаларини яратишга катта эътибор берилмоқда. Бу борада фармакология соҳасида илмий-инновацион ишланмаларни амалиётга самарали татбиқ этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> “...фармацевтика саноатини янада ривожлантириш аҳоли ва тиббиёт муассасаларини арзон, сифатли дори-дармонлар ва тиббий буюмлар билан таъминлашни яхшилаш” бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, юрак-қон томир касалликларини даволаш ва олдини олиш учун дори воситаларини янги авлодини яратишда маҳаллий ўсимликлардан ажратилган флавоноидлар ва алкалоидларнинг фармакологик таъсир механизмларини аниқлашга йўналтирилган тадқиқотлар муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сонли “Фармацевтика

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Фармони

тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ва 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4554-сонли “Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарорлари ҳамда бу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг VI “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хорижлик олимлар томонидан кўплаб алкалоидлар ва флавоноидларнинг гипертензив хусусиятга эга эканлиги ва бу уларнинг вазорелаксанти фаоллиги туфайли таъминланиши аниқланган, бундай таъсир СМХдаги ҳужайра ички  $Ca^{2+}$  миқдорининг камайишига асосланган (McNeill, Jurgens, 2006). Шунингдек, СМХда  $Ca^{2+}$  ионларининг ҳужайра ички концентрациясининг камайиши плазмолеммадаги  $Ca^{2+}$  – каналлари орқали  $Ca^{2+}$  ионларининг киришининг сусайиши ва саркоплазматик ретикулумдан (СР) чиқишининг камайиши билан юзага келиши тадқиқ қилинган (Dominiczak et al., 1992; Narayanan et al., 2012). Кўплаб флавоноидларнинг вазорелаксанти таъсирини таъминлашда эндотелий ва NO/GC/cGMP/PKG сигнал каскади, шунингдек,  $K^{+}$ -каналлари муҳим роль ўйнаши очиқ берилган (Wang et al., 2014). Шу сабабли дунёнинг кўплаб институт ва университетларининг йирик илмий марказларида юрак-қон томир тизими касалликлари, шу жумладан, артериал гипертензияни олдини олиш ва даволашда қўлланиладиган кенг фармакологик таъсирга эга алкалоидлар ва флавоноидлар каби ўсимликларнинг биологик фаол бирикмаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда (Ciunǎrnean et al., 2020; Wang et al., 2015).

МДХ мамлакатларида турли хил биологик фаол бирикмалар билан қон томир тонусини регуляция қилиш механизмларини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар турли лабораторияларнинг диққат марказида бўлиб келмоқда. Хусусан, А.В. Носарев раҳбарлигидаги илмий лабораторияда (Сибир давлат медицина университети) СМХнинг NO/GC/cGMP/PKG сигнал каскадининг функциясини модификациялаш механизмлари ва уларнинг қон томирлар тонусини регуляция қилишдаги роли ўрганилган (Носарев, 2006). М.Н. Макарова раҳбарлигидаги лабораторияда эса (И.И. Мечников номидаги СпбДМА ДТМ), қон томирлари тонусини флавоноидлар ёрдамида модуляция қилиш механизми ва уларнинг таъсирида эндотелий омилларининг роли ҳақида муҳим маълумотлар олинган (Макарова ва бошқ., 2011).

Мамлакатимизда юрак-қон томир касалликларини даволаш учун янги дори воситаларини яратишга қаратилган тадқиқотларга ЎзР ФА ЎМКИ ходимлари (Султонхўжаев М.Н., Хушвақтова З.А.) ўсимликлардан фаол бирикмаларни ажратишга катта ҳисса қўшганлар. Ушбу бирикмаларнинг фармакологик таъсири асосида ётувчи молекуляр механизмлари

П.Б. Усманов лабораториясида (УзМУ ББИ) ўрганилган ва СМХнинг  $Ca^{2+}$ -транспорт тизимлари ва уни таъминлашда эндотелий омилларининг роли тавсифланган.

Шунга кўра, артериал гипертензияни даволашда янги маҳаллий дори воситаларини ишлаб чиқиш учун ўсимликлардан ажратиб олинган биологик фаол моддаларнинг юрак-қон томир тизимига таъсир механизмларини аниқлаш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Биофизика ва биокимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, № ФА-Ф-6-004: “Юрак-қон томир касалликларини даволашнинг адекват йўллари ишлаб чиқиш учун юрак ва силлиқ мускул ҳужайраларини истикболли нишонларини модуляция механизмларининг комплекс тавсифи” лойиҳаси (2017-2020) доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** 1-(2'-бром-4',5'-диметоксифенил) - 6,7-диметокси-1,2,3,4-тетрагидроизохинолин (F-18) алкалоиди билан дигидрокверцетин (ДГК) флавоноидини гибридлаш йўли билан олинган 2-(3,4-дигидрооксифенил) - 6-[1-(2'-бром-4',5'-диметоксифенил)-6,7-диметокси-3,4-дигидроизохинолин-2(1H)-ил]-метил-3,5,7-тригидроксихроман-4-она (ДКВ-11) конъюгатининг вазорелаксант таъсир механизмини тавсифлашдан иборат.

#### **Тадқиқот ишининг вазифалари:**

каламүш аортасини гиперкалийли эритма ва фенилэфрин (ФЭ) билан индуцирланган қисқаришларига F-18 алкалоиди, ДГК флавоноиди ва уларнинг конъюгати ДКВ-11 нинг вазорелаксант таъсир хусусиятларини тадқиқ қилиш;

F-18 алкалоиди, ДГК флавоноиди ва уларнинг конъюгати ДКВ-11 нинг вазорелаксант таъсирини таъминлашда СМХлари плазмолеммасидаги  $Ca^{2+}$ -транспорт тизимлари ( $Ca^{2+}_L$ ,  $Ca^{2+}_R$ ,  $Na^+/Ca^{2+}$ -алмашинув тизими) ролини баҳолаш;

F-18 алкалоиди, ДГК флавоноиди ва уларнинг конъюгати ДКВ-11 нинг вазорелаксант таъсирини таъминлашда СМХлари СР  $Ca^{2+}$ -транспорт тизимлари ( $IP_3R$  ва  $Ca^{2+}$ -АТФаза) ролини аниқлаш;

F-18 алкалоиди, ДГК флавоноиди ва уларнинг конъюгати ДКВ-11 нинг вазорелаксант таъсирини таъминлашда эндотелий ва  $K^+$ -каналлари иштирокини аниқлаш;

F-18 алкалоиди, ДГК флавоноиди ва уларнинг конъюгати ДКВ-11 нинг силлиқ мускуллари қисқариш фаоллигининг гипоксиядан келиб чиқадиган бузилишини олдини олиш имкониятларини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида F-18 изохинолин алкалоиди, ДГК флавоноиди ва уларнинг конъюгати ДКВ-11, каламүш аорта препаратлари олинган.

**Тадқиқот предмети** F-18 изохинолин алкалоиди, ДГК флавоноиди ва уларнинг конъюгати ДКВ-11 нинг вазорелаксант таъсир механизмини

тавсифлаш, плазмолемма ва СР  $Ca^{2+}$ -транспорт тизимлари, эндотелий ва  $K^{+}$ -каналлари ролини ҳамда СМҲлари қисқариш фаоллигида гипоксия келтириб чиқарадиган бузилишлардан уларни протекция қилиш имкониятларини баҳолаш ташкил этган.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертация ишида экспериментал маълумотларни автоматик йиғиш ва қайта ишлашни таъминловчи, каламуш аорта препаратларининг қисқариш фаоллигини қайд қилиш ва таҳлил қилишнинг замонавий методларидан ва функционал муҳим аҳамиятга эга бўлган ион каналлари, рецепторлар ва сигнал тизимларига бирикмаларнинг таъсирини баҳолаш имконини берувчи ингибир анализидан ҳамда тажриба натижаларини статистик қайта ишлашда OriginPro v. 8.6 SR1 (EULA, АҚШ) дастуридан кенг фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

F-18 алкалоиди, ДГК флавоноиди ва уларнинг конъюгати ДКВ-11 нинг вазорелаксант ва вазопротектив хусусиятга эга эканлиги, уларнинг таъсири турли механизмлар билан таъминланиши очиб берилган;

F-18 алкалоиди, ДГК флавоноиди ва ДКВ-11 конъюгатининг вазорелаксант таъсири СМҲга  $Ca^{2+}_L$ -каналлари блокадаси ҳамда СР дан  $Ca^{2+}$  транспорт тизимларининг ингибирланиши билан боғлиқлиги исботланган;

F-18 алкалоиди, ДГК флавоноиди ва ДКВ-11 конъюгатининг вазорелаксант таъсирини таъминлашда плазмолеммадаги  $K_{ATP}$ - ва  $K_{Ca}$ -каналлари иштирок этиши исботланган;

ДКВ-11 конъюгатининг вазопротектив таъсирида плазмолемма  $Ca^{2+}_L$ -каналлари ва СР инозитол 1,4,5-трифосфат каскади функцияси модификацияси, шунингдек, NOS, NO/sGC/cGMP/PKG сигнал йўллари ва  $K_{ATP}$ - ва  $K_{Ca}$ -каналлари активацияси ётиши аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ўсимликдан ажратилган бирикмаларнинг вазорелаксант таъсир механизлари ҳақидаги муҳим тушунчаларни кенгайтиради, шу билан бирга унинг плазмолемма ва СР  $Ca^{2+}$ -транспорт тизимлари ҳамда эндотелий ва  $K^{+}$ -каналларига таъсири асосида ётувчи комплекс механизмлари аниқланган;

ДКВ-11 конъюгатининг гипоксиядан келиб чиққан СМҲлари қисқариш фаоллигининг бузилишини протекция қилиш механизмлари ва ишемик бузилишлардан келиб чиқадиган юрак-қон томир касалликларини даволашда янги ёндашувлар илмий асосланган;

вазорелаксант ва вазопротектив фаолликка эга бўлган ДКВ-11 конъюгати асосида маҳаллий вазо- ва кардиопротектор дори воситаларининг янги авлодини яратиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** олинган натижаларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш имконини берувчи экспериментал натижаларни қайд қилиш ва йиғишнинг замонавий тизимларидан фойдаланилганлиги ва ОАК томонидан тавсия этилган илмий журналларда чоп этилганлиги, нашрларга олинган экспертлар баҳоси, олинган маълумотларни статистик қайта ишлаш ва корреляцион таҳлил қилиш “OriginPro v. 8.6 SR1 (EULA, Northampton,



МА 01060-4401, АҚШ)” компьютер дастури асосида амалга оширилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти алкалоидлар ва флавоноидлар ҳамда уларнинг конъюгатларининг вазорелаксант таъсир механизмлари, плазмолемма ва СР  $Ca^{2+}$ -транспорт тизимларининг роли, шунингдек, эндотелий ва  $K^{+}$ -каналлар ҳақидаги фундаментал билимларни ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшиши, олинган маълумотлар СМХлари  $Ca^{2+}$ -транспорт тизимларининг модуляциясига ва  $Ca^{2+}$ -гомеостазига янги ёндашувларни аниқлаб бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти вазорелаксант ва вазопротектив фаолликка эга бўлган ДКВ-11 конъюгати ишемия оқибатида келиб чиққан юрак-қон томир тизими касалликларини олдини олиш ва даволашда вазо- ва кардиопротектор дори воситаларининг маҳаллий янги авлодини яратиш учун энг муҳим истиқболли бирикмалардан бири эканлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** F-18 алкалоиди, ДГК флавоноиди ва ДКВ-11 конъюгатининг вазорелаксант таъсир механизмлари бўйича олинган натижалар асосида:

алкалоид, флавоноид ва улар асосида олинган конъюгатнинг вазорелаксант ва вазопротектив таъсир механизмлари Туркиянинг Анадолу университети доривор ўсимликларни тадқиқ қилиш ва қўллаш илмий марказининг №2103S009 “Investigation of phytochemical and biological properties of *Scabiosa pseudograminifolia* Hub-Mor” мақсадли лойиҳасида биологик препаратларнинг фармакологик хусусиятларини аниқлашда фойдаланилган (Анадолу университетининг 2021 йил 22 сентябрдаги маълумотномаси). Натижада ўсимликлардан олинган бирикмаларнинг антиоксидант ва антигипертензив таъсир хусусиятларини баҳолаш имконини берган;

дигидрокверцетиннинг вазорелаксант таъсири ПЗ-20170927122 рақамли “*Ferula foetida* ўсимлигининг камеди смоласи асосида субстанция яратиш ва специфик фармакологик фаоллигини баҳолаш” лойиҳаси доирасида янги кардиопротектив воситаларни аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2021 йил 21 октябрдаги 4/1255-2910-сон маълумотномаси). Натижада камеди-смоласи асосида субстанция яратиш ва унинг специфик фармакологик фаоллигини баҳолаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация ишининг тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган

илмий нашрларда 5 та илмий мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, якуний қисм, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 90 бетни ташкил қилган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**


**Кириш** қисмида олиб борилган илмий тадқиқотлар долзарблиги ва зарурияти, тадқиқот мақсади ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика илм ва технологиялар ривожланишининг устивор йўналишларига мос келиши кўрсатилган, тадқиқот илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларни илмий ва амалий ахамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Қон томирлар силлиқ мускул хужайраларининг тузилиши ва ишлаш механизмлари”** деб номланган биринчи бобида қон томирлар СМХлари тузилиш принциплари ва функционал хусусиятлари, уларнинг плазмолеммадаги  $Ca^{2+}$ -,  $K^{+}$ -каналлари,  $Na^{+}/Ca^{2+}$ -алмашинув тизими, СР даги инозитол 1,4,5-трифосфат рецептори,  $Ca^{2+}$ -АТФаза (SERCA2) каби асосий ион-транспорт тизимлари ҳақида замонавий адабиёт маълумотлари келтирилган. Силлиқ мускулларнинг қисқариш ва бўшашиш механизмлари, уларнинг хужайра ички сигнал тизимлари ва эндотелий омиллари орқали бошқарилиши ҳақида, артериал гипертензия патогенези ва бошқада юрак-қон томир тизими касалликларида силлиқ мускуллар ион-транспорт тизимларини роли, шунингдек, СМХ ион-транспорт тизимлари функцияси бузилишини фармакологик коррекциялашнинг замонавий усуллари ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Қон томирлар силлиқ мускулларининг қисқариш фаоллигини қайд қилиш усуллари”** деб номланган иккинчи бобида каламуш аортаси препаратлари қисқариш фаоллигини қайд қилиш усуллари ва тадқиқотларда қўлланилган асбоб-ускуналар батафсил ёритилган. F-18 алкалоиди, ДГК флавоноиди ва ДКВ-11 конъюгатининг плазмолеммадаги  $Ca^{2+}$ -,  $K^{+}$ -каналлари,  $Na^{+}/Ca^{2+}$ -алмашинув тизими, СР даги  $IP_3R$ , шунингдек, гипоксия шароитида аорта препарати қисқариш фаоллигига таъсирини баҳолаш имконини берадиган экспериментал протоколлар келтирилган.

Диссертациянинг **“F-18 алкалоиди, ДГК флавоноиди ва уларнинг конъюгати ДКВ-11 нинг вазорелаксант таъсир механизмни тавсифлаш”** деб номланган учинчи бобида F-18 алкалоиди, ДГК флавоноиди ва ДКВ-11 конъюгатининг гиперкалийли эритма ва фенилэфрин (ФЭ) билан индуцирланган каламуш аорта препарати қисқаришларига таъсир қилиш натижалари келтирилган.

*F-18* алкалоиди, ДГК флавоноиди ва ДКВ-11 конъюгатининг гиперкалийли эритма билан индуцирланган аорта препарати қисқаришларига таъсири. Дастлабки тажрибаларда ўрганилаётган бирикмалар каламуш аорта препарати базал тонусига таъсир қилмаслиги аниқланди. Лекин гиперкалийли эритма (50 мМ КСl) билан чақирилган аорта препарати қисқаришларига дозага боғлиқ сезиларли вазорелаксант таъсир кўрсатди. Жумладан, *F-18* алкалоиди 5 мкМ да КСl билан индуцирланган аорта препаратлари қисқариш кучини  $8,1 \pm 3,8\%$  га камайтирган бўлса, 150 мкМ концентрацияда  $89,5 \pm 3,1\%$  га пасайтирди (1-расм, А). Худди шундай тажрибаларда ДГК флавоноиди 5 мкМ да КСl билан индуцирланган аорта препаратлари қисқариш кучини  $5,1 \pm 3,2\%$  га 200 мкМ концентрацияда эса  $82,3 \pm 3,8\%$  га камайтирди (1-расм, А).



**1-расм. *F-18* алкалоиди, ДГК флавоноиди ва ДКВ-11 конъюгатининг концентрацияга боғлиқ (А) ва  $\text{Ca}^{2+}$ -каналлари ҳолатига боғлиқ (Б) таъсири** Ордината ўқида аорта препаратлари қисқариш кучи фоизда ифодаланган, 50 мМ КСl билан индуцирланган қисқариш кучи 100% деб олинган. Абсцисса ўқида тадқиқ қилинаётган бирикмаларнинг концентрацияси (мкМ) ифодаланган (\* $p < 0,05$ ; \*\* $p < 0,01$ ;  $n = 7$ ).

КСl ёрдамида индуцирланган аорта препарати қисқариш кучига яққол сезиларли таъсир ДКВ-11 конъюгати иштирокида кузатилди, яъни 5 мкМ да аорта препарати қисқариш кучини  $10,4 \pm 4,2\%$  га камайтирган бўлса 100 мкМ концентрацияда  $94,7 \pm 3,2\%$  га камайтириши аниқланди (1-расм, А). Шу шароитда *F-18* алкалоиди, ДГК флавоноиди ва ДКВ-11 конъюгатлари учун  $IC_{50}$  қиймати (моддаларнинг максимал қисқариш кучини 50% га камайтирувчи концентрацияси) мос равишда 26,4 мкМ, 37,6 мкМ ва 14,8 мкМ ни ташкил қилди.


Гиперкалийли эритма ёрдамида юзага келган аорта препарати қисқаришлари асосан  $\text{Ca}^{2+}$  ионларини СМҲ  $\text{Ca}^{2+}$ -каналлари орқали кириши билан амалга ошишини ҳисобга олиб, ўрганилаётган бирикмаларни таъсири ушбу каналлар билан боғлиқ эканлигидан далолат беради. Текширилаётган

бирикмаларнинг вазорелаксанти таъсирини таъминлашда  $Ca^{2+}_L$ -каналларининг ролини янада ойдинлаштириш учун ушбу каналларнинг блокатори верапамил иштирокида уларнинг таъсири ўрганилди. Ушбу тажрибаларда верапамилнинг  $IC_{50}$  га мос келадиган концентрацияси 0,1 мкМ мавжуд шароитда F-18 алкалоиди, ДГК флавоноиди ва ДКВ-11 конъюгатини КС1 билан индуцирланган аорта қисқаришларини сусайтирувчи таъсирининг қисман сақланиб қолиши кузатилди. Тажрибаларда верапамил (0,1 мкМ) мавжуд шароитда F-18 алкалоиди (26,4 мкМ), ДГК флавоноиди (37,6 мкМ) ва ДКВ-11 конъюгати (14,8 мкМ) КС1 билан индуцирланган аорта препарати қисқариш кучини мос равишда  $18,3 \pm 4,1\%$ ,  $12,8 \pm 3,5\%$  ва  $25,7 \pm 3,4\%$ , га қўшимча камайтириши аниқланди (1-расм, Б). Олинган тажриба натижалари текширилаётган бирикмаларнинг вазорелаксанти таъсирини верапамил мавжуд шароитда сезиларли камайиши, уларнинг  $Ca^{2+}_L$ -каналлари модификацияси билан боғлиқ деган хулосага келиш имконини беради. Лекин ўрганилаётган бирикмаларнинг верапамил мавжуд шароитда вазорелаксанти таъсирини сақлаб қолиши  $Ca^{2+}_L$ -каналлари блокадаси билан бирга СМХларидаги  $Ca^{2+}$  ионларини камайишида бошқа транспорт механизмлари ҳам иштирок этиши мумкин.

*F-18 алкалоиди, ДГК флавоноиди ва ДКВ-11 конъюгатининг ФЭ билан индуцирланган аорта препарати қисқаришларига таъсирини баҳолаш.* СМХдаги  $Ca^{2+}$ -гомеостазини бошқарилишида  $Ca^{2+}_L$ -каналлари билан бирга  $\alpha$ -адренорецепторлар стимуляцияси пайтида СР ажралиб чиқадиган  $Ca^{2+}$  ионлари муҳим роль ўйнайди. Агонистлар томонидан  $\alpha_1$ -АР қўзғатилиши фосфолипаза С (PLC) фаоллашишига ва хужайрада инозитол 1,4,5-трифосфат ( $IP_3$ ) ҳосил бўлишига олиб келади, натижада СР даги инозитол 1,4,5-трифосфат рецептори ( $IP_3R$ ) фаоллашиши билан  $[Ca^{2+}]_{in}$  миқдори ортади ва силлиқ мускулларнинг қисқаришини таъминлайди.

Шу сабабли, ўрганилаётган бирикмаларнинг вазорелаксанти таъсир кўрсатишида  $IP_3R$  орқали СР дан чиқадиган  $Ca^{2+}$  ионларининг иштирокини баҳолаш учун  $\alpha$ -адренорецепторлар агонисти ФЭ билан индуцирланган аорта препарати қисқаришларига уларнинг таъсири ўрганилди. Жумладан, F-18 алкалоиди (150 мкМ), ДГК флавоноиди (125 мкМ) ва ДКВ-11 конъюгати (100 мкМ) ФЭ билан индуцирланган аорта препарати қисқариш кучини назоратга нисбатан мос равишда  $78,2 \pm 3,2\%$ ,  $81,6 \pm 3,7\%$  ва  $90,3 \pm 3,4\%$  га камайтириши аниқланди (2-расм, А). Тажрибаларда F-18 алкалоиди, ДГК флавоноиди ва ДКВ-11 конъюгати учун  $IC_{50}$  қийматлар мос равишда 39,4 мкМ, 30,9 мкМ ва 23,7 мкМ ни ташкил қилди. Олинган натижалар текширилаётган бирикмаларнинг ФЭ билан индуцирланган аорта препарати қисқаришларига дозага боғлиқ таъсири асосан СР чиқадиган  $Ca^{2+}$  ионларининг камайишига боғлиқлигини кўрсатди. Буни инкубация муҳитида  $Ca^{2+}$  ионлари мавжуд бўлмаган шароитда амалга оширилган тажрибалар ҳам қўшимча тасдиқлади. Ушбу тажрибаларда F-18 алкалоиди (150 мкМ), ДГК флавоноиди (125 мкМ) ва ДКВ-11 конъюгати (100 мкМ) қўшилганда, ФЭ билан индуцирланган

аорта препарати қисқариш кучини мос равишда  $71,5 \pm 3,5\%$ ,  $75,2 \pm 3,7\%$  ва  $82,1 \pm 4,3\%$  га камайтириши аниқланди (2-расм, Б).



2-расм. F-18 алкалоиди, ДГК флавоноиди ва ДКВ-11 конъюгатининг фенилэфрин билан индуцирланган аорта препаратлари қисқаришларига (А) ва Ca<sup>2+</sup> ионлари мавжуд бўлмаган шароитдаги (Б) таъсири

Ордината ўқида аорта препаратлари қисқариш кучи фоизда ифодаланган, 1 мкМ ФЭ билан индуцирланган қисқариш кучи 100% деб олинган.

Абсцисса ўқида тадқиқ қилинаётган бирикмаларнинг концентрацияси (мкМ) ифодаланган (\* $p < 0,05$ ; \*\* $p < 0,01$ ;  $n = 7$ ).

Олинган натижалар тадқиқ қилинаётган бирикмаларнинг вазорелаксат таъсири IP<sub>3</sub>R орқали СР дан чиқариладиган Ca<sup>2+</sup> ионларининг камайиши билан боғлиқлигини исботлайди.

F-18 алкалоиди, ДГК флавоноиди ва уларнинг конъюгати ДКВ-11 нинг вазорелаксат таъсирида эндотелийнинг ролини баҳолаш. Маълумки, эндотелий қавати СМХни фаоллигини бошқариш ва қон томир тонусини тартибга солишда муҳим ҳисобланган бир қатор вазофаол омилларни ишлаб чиқади (Vanhoutte et al., 2016). Бунда етакчи ўринни азод оксиди (NO) эгаллайди, у эндотелий хужайраларида NO синтаза (NOS) томонидан синтезланади ва қон томирлар вазорелаксациясига замин яратади. Шу сабабли, тадқиқ қилинаётган бирикмаларнинг вазорелаксат таъсири таъминлашда эндотелийнинг ўрнини баҳолаш учун пахта тампон ёрдамида механик усулда эндотелий қавати олиб ташланган аорта препаратларида ўрганилди. Шу билан бирга, F-18 алкалоиди, ДГК флавоноиди ва ДКВ-11 конъюгатининг эндотелийсиз аорта препаратларида ФЭ ёрдамида чақирилган қисқариш кучига таъсири эндотелий қавати мавжуд шароитдагига нисбатан мос равишда  $8,6 \pm 3,8\%$ ,  $11,2 \pm 3,9\%$  ва  $29,8 \pm 3,9\%$  га камайганлиги аниқланди (1-жадвал). Ушбу олинган натижалар, F-18 алкалоиди, ДГК флавоноиди ва ДКВ-11 конъюгатининг вазорелаксат таъсири эндотелий функциясининг модификацияси билан боғлиқлигини кўрсатди. Шу билан бирга, эндотелийнинг олиб ташланиши ДКВ-11 конъюгатининг вазорелаксат таъсирида сезиларли бўлиб, бу унинг таъсири эндотелийга боғлиқлигини кўрсатди. Бу NOS ингибитори L-NAME иштирокида амалга оширилган тажрибаларда тасдиқланди, ушбу

шароитда ДКВ-11 конъюгатининг вазорелаксант таъсири  $25,1 \pm 3,2\%$  га камайди (1-жадвал).

1-жадвал

**ФЭ билан индуцирланган қисқариш шароитида F-18 алкалоиди, ДГК флавоноиди ва уларнинг конъюгати ДКВ-11 нинг вазорелаксант фаоллигига эндотелий, L-NAME, метилен кўки ва индометациннинг таъсири (\* $p < 0,05$ ; \*\* $p < 0,01$ ;  $n=6$ )**

Тажриба шароити	Вазорелаксация %		
	F-18	ДГК	ДКВ-11
Эндотелий (+)	$78,2 \pm 3,2\%^{**}$	$81,6 \pm 3,7\%^{**}$	$90,3 \pm 3,4\%^{**}$
Эндотелий (-)	$69,6 \pm 3,8\%^{**}$	$70,4 \pm 3,9\%^{**}$	$60,5 \pm 3,9\%^{**}$
L-NAME (100 мкМ)	$71,1 \pm 3,8\%^{**}$	$73,4 \pm 3,8\%^{**}$	$65,2 \pm 3,2\%^{**}$
Метилен кўки (10 мкМ)	$72,3 \pm 3,6\%^{**}$	$75,7 \pm 3,4\%^{**}$	$69,8 \pm 3,3\%^{**}$
Индометацин (10 мкМ)	$73,2 \pm 3,5\%^{**}$	$78,6 \pm 3,3\%^{**}$	$86,4 \pm 3,9\%^*$

Олинган тажриба натижаларига кўра, ДКВ-11 конъюгатининг вазорелаксант таъсирини таъминлашда эндотелий ва NO/sGC/cGMP/PKG сигнал йўли муҳим роль ўйнайди. ДКВ-11 конъюгатининг вазорелаксант таъсирини таъминлашда NO/sGC/cGMP/PKG сигнал йўлининг иштироки гуанилатциклаза ингибитори метилен кўки мавжуд шароитдаги тажрибаларда тасдиқланди ва ушбу шароитда унинг таъсири  $20,5 \pm 3,3\%$  га камайди (1-жадвал). Шундай тажрибаларда циклооксигеназа махсус ингибитори индометацин иштироки ДКВ-11 конъюгатининг вазорелаксант фаоллигига сезиларли таъсир қилмаслиги аниқланди, бу унинг простагландин PGI<sub>2</sub> каскадига таъсир этмаслигидан далолат беради (1-жадвал).

F-18 алкалоиди, ДГК флавоноиди ва уларнинг конъюгати ДКВ-11 нинг вазорелаксант таъсир кўрсатишида  $K^+$ -каналларининг ролини ўрганиш.  $K^+$ -каналлари силлиқ мускуллар тонусини ушлаб туришда муҳим ҳисобланиб, улар СМХ мембрана потенциални назорат қилиш,  $Ca^{2+}$  ионларининг  $Ca^{2+}_L$ -каналлари орқали ташилиши ва СМХ қисқариш фаоллигини бошқаришда иштирок этади (Nelson and Quayle, 1995). Шу сабабли F-18 алкалоиди, ДГК флавоноиди ва ДКВ-11 конъюгатининг вазорелаксант таъсир кўрсатишида  $K^+$ -каналларининг ролини баҳолаш учун ҳар хил  $K^+$ -каналлари блокаторлари ёрдамида тажрибалар амалга оширилди. Ушбу тадқиқотларда  $K_{ATP}$ -каналлари блокатори глибенкламид,  $K_{Ca}$ -каналлари блокатори тетраэтиламмоний (ТЭА),  $K_V$ -каналлари блокатори 4-аминопиридин (4-АП) ва  $K_{ir}$ -каналлари блокатори  $BaCl_2$  каби махсус блокаторлар ишлатилган. Тадқиқ қилинаётган бирикмаларнинг глибенкламид ва ТЭА мавжуд шароитда аорта препаратларига вазорелаксант таъсири камайганлиги аниқланди. Тажрибаларда F-18 алкалоиди, ДГК флавоноиди ва ДКВ-11 конъюгатининг 50 мкМ глибенкламид инкубацияси шароитида КС1 билан чақирилган аорта препаратлари қисқариш кучига вазорелаксант таъсири назоратга нисбатан мос равишда  $36,5 \pm 3,7\%$ ,  $38,3 \pm 3,5\%$  ва  $59,0 \pm 3,5\%$  га камайди (2-жадвал). Худди шундай тажрибаларда F-18 алкалоиди, ДГК флавоноиди ва ДКВ-11 конъюгати ТЭА (1 мМ) мавжуд

шароитида КСІ билан индуцирланган аорта препарати қисқариш кучига таъсири назоратга нисбатан мос равишда 23,1±3,9%, 24,8±3,8% ва 38,4±3,5% га камайиши аниқланди. Шундай тажрибаларда  $K_v$ -ва  $K_{ir}$ -каналлари блокаторлари 4-АР ва  $BaCl_2$  нинг инкубацияси ўрганилаётган бирикмаларнинг вазорелаксанти фаолигига сезиларли таъсир кўрсатмади.

2-жадвал

**$K^+$ -каналлари блокаторлари мавжуд шароитда F-18 алкалоиди, ДГК флавоноиди ва ДКВ-11 конъюгатининг 30 мМ КСІ билан индуцирланган каламуш аорта препаратлари қисқаришларига таъсири (\* $p < 0,05$ ; \*\* $p < 0,01$ ;  $n=6$ ).**

Тажриба шароити	Вазорелаксация %		
	F-18	ДГК	ДКВ-11
Назорат	92,9±3,6%**	88,7±2,4%**	97,7±1,3%**
Глибенкламид (50 мкМ)	56,4±3,7%**	50,4±3,5%**	38,7±3,5%**
ТЭА (1 мМ)	69,8±3,9%**	63,9±3,8%**	59,3±3,5%**
4-АП (1 мМ)	82,5±3,8%**	78,6±3,7%**	77,9±3,9%*
$BaCl_2$ (0,1 мМ)	88,6±4,1%*	86,6±2,8%**	90,9±3,4%**

Тажриба натижалари шуни кўрсатдики, ўрганилаётган бирикмаларнинг вазорелаксанти таъсирини таъминлашда СМХлари  $K_{ATФ}$ - ва  $K_{Ca}$ -каналлари иштирок этади. Шу билан бирга тадқиқ қилинаётган бирикмалар  $K_{ATФ}$ - ва  $K_{Ca}$ -каналларини фаоллаштириб, СМХси мембранасининг гиперполяризацияси орқали  $Ca^{2+}_L$ -каналлари инактивациясини келтириб чиқаради, натижада  $Ca^{2+}$  ионларининг оқимини сусайтириши билан  $[Ca^{2+}]_{in}$  миқдорининг камайиши ва силлиқ мускулларнинг бўшашишига олиб келади.

Умуман олганда, ушбу тажриба натижалари шуни кўрсатадики, ўрганилаётган F-18 алкалоиди, ДГК флавоноиди ва ДКВ-11 конъюгати вазорелаксанти таъсирга эга бўлиб, нисбатан ДКВ-11 да кучлироқ эканлиги аниқланди. Олинган маълумотлар таҳлилига кўра, ушбу бирикмаларнинг вазорелаксанти таъсири асосан СМХдаги  $Ca^{2+}$  ионлари миқдорининг камайишига боғлиқ бўлиб, унинг таъминланишида турли механизмлар иштирок этади. Биринчидан СМХда  $Ca^{2+}$  миқдорининг пасайиши ушбу бирикмаларнинг СМХсидаги  $Ca^{2+}_L$ -каналлари орқали  $Ca^{2+}$  ионларини киришини сусайтириши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шу билан бирга олинган натижаларга кўра,  $Ca^{2+}$  сиз эритмаларда ФЭ билан билан ўтказилган тажрибалар СР дан  $Ca^{2+}$  ионларининг чиқишини ингибирлаши натижасида СМХларда  $Ca^{2+}$  миқдорининг камайиши билан амалга ошиши мумкин. Шунингдек, олинган натижалар,  $Ca^{2+}$  сиз эритмаларда ФЭ билан билан ўтказилган тажрибалар СР дан  $Ca^{2+}$  ионларининг чиқишини ингибирлаши оқибатида СМХларда  $Ca^{2+}$  миқдорининг камайиши билан амалга ошиши мумкинлигини кўрсатди. Бундан ташқари, ушбу тажриба натижаларига кўра, вазорелаксация жараёнларини тартибга солишда иштирок этадиган эндотелий ҳамда  $K_{ATФ}$ - ва  $K_{Ca}$ -каналлари

тадқиқ қилинаётган бирикмаларнинг вазорелаксат таъсирини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Диссертациянинг **“F-18 алкалоиди, ДГК флавоноиди ва уларнинг конъюгати ДКВ-11 нинг каламуш аортасида гипоксия келтириб чиқарган вазорелаксациясига таъсири”** деб номланган тўртинчи бобида гипоксия келтириб чиқарган вазорелаксацияга F-18 алкалоиди, ДГК флавоноиди ва ДКВ-11 конъюгатининг таъсирини ўрганиш натижалари келтирилган.

Маълумки, кўпчилик юрак-қон томир касалликларининг патогенези ишемия/гипоксиядан келиб чиқадиган юрак ва силлиқ мускуллари қисқариш фаоллигининг бузилишларига асосланган (Csányi, Miller, 2014). Шу билан бирга, бу бузилишларнинг ривожланишида юрак ва СМХсининг  $Ca^{2+}$ -гомеостазининг бузилиши муҳим роль ўйнайди, ва бу турли  $Ca^{2+}$ -транспорт тизимлар функциясининг оксидловчи зарарланиши натижасида юзага келади (Oparyl, Schmieder, 2015). Шу билан бирга, оксидловчи стресс шароитида СМХларда  $Ca^{2+}$ -каналлари, СР даги  $IP_3R$  ва  $Ca^{2+}$ -АТФаза функцияси бузилади, бу СМХларида  $Ca^{2+}$  ионларининг тўпланиши билан уларнинг қисқаришига ва артериал гипертензияни ривожланишига олиб келади (Somlyo et al., 1985; Touyz et al., 2018).


Юрак-қон томир касалликлари патогенезида кардиомиоцит ва СМХнинг  $Ca^{2+}$ -гомеостази ва  $Ca^{2+}$ -транспорт тизимлари функцияси бузилишлари етакчи роль ўйнашини ҳисобга олиб, бугунги кунда уларни фармакологик коррекциялашнинг янги усуллари топиш, ушбу касалликларнинг олдини олиш ва даволашнинг янги самарали воситаларини яратишнинг истиқболли йўналишларидан бири ҳисобланади. Буни инобатга олган ҳолда F-18 алкалоиди, ДГК флавоноиди ва ДКВ-11 конъюгатининг гипоксиядан келиб чиққан каламуш аорта препаратларининг вазорелаксациясига таъсири ўрганилди.

*F-18 алкалоиди, ДГК флавоноиди ва ДКВ-11 конъюгатининг каламуш аорта препаратларида гипоксия келтириб чиқарган вазорелаксациясига таъсирини ўрганиш.* Маълумки, гипоксия қон томирлар вазорелаксациясини келтириб чиқаради ва уларнинг тонусини пасайтиради, бу СМХда  $[Ca^{2+}]_{in}$  миқдорининг пасайиши билан боғлиқ (Daut et al., 1990). СМХда  $[Ca^{2+}]_{in}$  миқдорининг камайиши асосан  $Ca^{2+}$  ионларининг  $Ca^{2+}$ -каналлари орқали кириши ва СР дан  $IP_3R$  орқали чиқишини сусайишига боғлиқ ҳисобланади (Hedegaard et al., 2014).

Тажрибаларимизда эндотелий қавати бузилмаган аорта препаратлари 95%  $N_2$ /5%  $CO_2$  тутувчи Кребс эритмасида 60 дақиқа давомида инкубация қилиниши КС1 ва ФЭ билан индуцирланган қисқариш кучининг сезиларли камайишига олиб келди. Шу билан бирга, КС1 (50 мМ) ва ФЭ (1 мкМ) билан индуцирланган аорта препаратлари қисқариш кучининг нормаксия шароитидаги назорат реакциясига нисбатан мос равишда  $33,9 \pm 3,4\%$  ва  $44,7 \pm 3,7\%$  га камайиши кузатилди (3-расм). КС1 ва ФЭ билан индуцирланган аорта препаратларининг қисқариш кучи СМХдаги  $Ca^{2+}$  ионларини миқдорига



боғлиқлигини ҳисобга олсак, бу натижалар гипоксия шароитида СМХда  $\text{Ca}^{2+}$  миқдорининг камайиши билан изоҳланади. Гипоксиянинг ФЭ билан индуцирланган қисқаришларига сезиларли таъсири уларнинг гипоксияга юқори сезувчанлигидан далолат беради.



**3-расм. КСl (А) ва ФЭ (Б) билан индуцирланган каламуш аорта препаратлари қисқариш кучига гипоксиянинг таъсири**


Ордината ўқида аорта препаратлари қисқариш кучи фоизда ифодаланган, КСl ва ФЭ билан индуцирланган қисқариш кучи 100% деб олинган (\*\* $p < 0,01$ ;  $n=8$ ).

Гипоксиянинг КСl ва ФЭ билан индуцирланган қисқаришларига таъсиридаги бу фарқ, ФЭ билан чақирилган қисқаришлар асосан СР дан чиқадиган  $\text{Ca}^{2+}$  ионларига боғлиқлиги ва инозитол 1,4,5–трифосфат каскадининг АТФ энергиясини талаб қилиши билан изоҳланади (Moreland et al., 1991).

Ушбу тажрибаларда F-18 алкалоиди, ДГК флавоноиди ва ДКВ-11 конъюгатининг КСl ва ФЭ билан индуцирланган қисқариш шароитида гипоксиянинг вазорелаксат таъсирини сезиларли камайтириши аниқланди. F-18 алкалоиди (26,4 мкМ), ДГК флавоноиди (37,6 мкМ) ва ДКВ-11 конъюгати (14,8 мкМ), КСl билан индуцирланган қисқаришларга гипоксиянинг вазорелаксат таъсирини мос равишда  $7,1 \pm 3,1\%$ ,  $12,6 \pm 3,6\%$  ва  $23,1 \pm 4,2\%$  га камайтирди. Тажрибаларда F-18 алкалоиди (39,4 мкМ), ДГК флавоноиди (30,9 мкМ) ва ДКВ-11 конъюгати (23,7 мкМ) ФЭ билан индуцирланган қисқариш шароитида гипоксиянинг вазорелаксат таъсирини мос равишда  $10,6 \pm 3,2\%$ ,  $30 \pm 3,6\%$  ва  $39,3 \pm 3,7\%$  га камайтириши маълум бўлди. Ушбу натижалар шуни кўрсатадики, ўрганилаётган бирикмалар ФЭ билан индуцирланган қисқариш шароитида гипоксиянинг вазорелаксат таъсирини сезиларли даражада камайтиради. Тажрибалар натижалари ўрганилаётган бирикмаларнинг КСl ва ФЭ билан индуцирланган қисқариш шароитида гипоксия келтириб чиқарадиган вазорелаксацияни камайтириши, уларнинг гипоксия шароитида

Ca<sup>2+</sup><sub>L</sub>-каналлари ва IP<sub>3</sub>R функциясининг оксидатив зарарланишининг олдини олиши мумкинлигидан далолат беради.

КСІ ва ФЭ билан индуцирланган қисқариш шароитида гипоксия келтириб чиқарган аорта препаратлари вазорелаксациясига ДКВ-11 конъюгатининг таъсир кўрсатишида эндотелийни ролини ўрганиш. Юрак-қон томир касалликлари патогенезида кардиомиоцитларнинг фаоллигини тартибга солиш ва қон томирлар тонусини ушлаб туришда бевосита иштирок этувчи эндотелий функциясининг бузилиши ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бундан ташқари, гипоксия келтириб чиқарган силлиқ мускул қисқариш фаоллигининг бузилишида вазорелаксация механизмининг етакчи регулятори бўлган эндотелий функциясининг бузилиши асосий роль ўйнаши аниқланди (Taggart, Wray, 1998). Юқорида тадқиқ қилинаётган бирикмаларнинг вазорелаксант эффеқтини ўрганиш жараёнида эндотелийнинг олиб ташланиши кўпроқ ДКВ-11 конъюгатининг таъсирини камайтирганлиги аниқланди. Шунинг учун ўрганилаётган бирикмаларнинг гипоксия келтириб чиқарган вазорелаксацияга таъсирида эндотелийни ролини баҳолаш учун асосан ДКВ-11 конъюгати ишлатилган. Назорат тажрибаларида, эндотелийнинг олиб ташланиши аорта препаратларининг КСІ ва ФЭ билан индуцирланган қисқариш шароитида гипоксия келтириб чиқарган вазорелаксациянинг кўшимча ортиши кузатилди. Жумладан, КСІ ва ФЭ билан индуцирланган қисқариш шароитида гипоксия келтириб чиқарган вазорелаксация мос равишда 8,0±4,6% ва 11,1±3,5% га ошди (4-расм).



4-расм. ДКВ-11 конъюгатининг каламуш аорта препаратларида КСІ (А) ва ФЭ (Б) билан индуцирланган қисқариш шароитида гипоксия келтириб чиқарган вазорелаксациясига эндотелийга боғлиқ таъсири

Ордината ўқида аорта препаратлари қисқариш кучи фоизда ифодаланган, нормаксия шароитида 50 мМ КСІ ва 1 мкМ ФЭ билан индуцирланган қисқариш кучи 100% деб олинган (\*\* $p < 0,01$ ;  $n = 7$ ).

Тажрибаларда эндотелийни олиб ташланиши ДКВ-11 конъюгатининг гипоксия келтириб чиқарган аорта препаратлари вазорелаксациясига сезиларли

таъсир кўрсатиши аниқланди. Эндотелийи олиб ташланган аорта препаратларида КС1 билан чақирилган қисқаришларда ДКВ-11 конъюгати (14,8 мкМ) гипоксия келтириб чиқарган вазорелаксация кучини  $11,3 \pm 3,9\%$  га камайтириши аниқланди (4-расм, А). Худди шундай тажрибаларда аорта препаратларида ФЭ билан чақирилган қисқаришларида ДКВ-11 конъюгати (23,7 мкМ) гипоксия келтириб чиқарган вазорелаксация кучини  $27,9 \pm 3,9\%$  га камайтирди (4-расм, Б). Ушбу тажрибалар натижалари шуни кўрсатадики, эндотелийни олиб ташланиши ДКВ-11 конъюгатининг гипоксия келтириб чиқарган вазорелаксацияга таъсирини сезиларли камайтирди. Бундан ташқари, ДКВ-11 конъюгатининг гипоксия келтириб чиқарган вазорелаксацияга таъсири кўрсатишида эндотелий ва NO/sGC/cGMP/PKG сигнал йўли муҳим роль ўйнайди, бу ФЭ билан индуцирланган аорта препаратлари қисқаришларида яққол кўринди. Бу L-NAME, метилен кўки ва индометацин билан амалга оширилган тажрибаларда ҳам тасдиқланди ва улар мавжуд шароитда ДКВ-11 конъюгати (23,7 мкМ) гипоксия келтириб чиқарган вазорелаксация кучини мос равишда  $27,8 \pm 4,2\%$ ,  $29,8 \pm 4,0\%$  ва  $34,7 \pm 4,1\%$  га камайтирди. Шу билан бирга, L-NAME мавжуд шароитда ДКВ-11 конъюгатининг гипоксия келтириб чиқарган вазорелаксацияга таъсири худди эндотелий олиб ташланган ҳолатдагидек камайди, бунда ДКВ-11 конъюгатининг таъсирини таъминлашда NOS нинг муҳим ролини кўрсатди. Ушбу факт шуни кўрсатадики, ДКВ-11 конъюгатининг таъсири NOS ва NO/sGC/cGMP/PKG сигнал йўли активацияси билан боғлиқ бўлиб, бу эндотелий функциясини нормаллаштириб ва вазорелаксацияга жавобгар механизмни рағбатлантиради.

*Аорта препаратларининг гипоксиядан келиб чиққан вазорелаксациясига ДКВ-11 конъюгатининг таъсирида  $K^+$ -каналларининг ролини ўрганиши.* Юқорида айтганимиздек, СМХдаги барча  $K^+$ -каналлари қон томирлар тонусини ва қон томирларнинг вазорелаксация механизмларини бошқаришда муҳим роль ўйнайди (Nelson and Quayle, 1995). Шу билан бирга, гипоксия шароитида  $K^+$ -каналларининг фаоллашиши гипоксия келтириб чиқарган вазорелаксациянинг асоси эканлиги аниқланди (Daut et al., 1990; Nedegaard et al., 2014).

Шу сабабли гипоксия келтириб чиқарган аорта препаратлари вазорелаксациясига ДКВ-11 конъюгатининг таъсир кўрсатишида  $K^+$ -каналларининг ролини баҳолаш учун биз  $K_{ATP}$ -,  $K_{Ca}$ - ва  $K_{ir}$ -каналлари махсус блокаторлари глибенкламид, ТЕА ва  $BaCl_2$  иштирокида тадқиқотлар олиб бордик. Ушбу тажрибаларда фақат глибенкламид ва ТЕА ДКВ-11 конъюгатининг гипоксия келтириб чиқарган вазорелаксацияга таъсирини сезиларли даражада камайтирганлиги аниқланди. Шу билан бирга, ДКВ-11 конъюгатининг глибенкламид ва ТЕА мавжуд шароитда гипоксия келтириб чиқарган аорта препаратлари вазорелаксациясига таъсири мос равишда  $23,0 \pm 3,4\%$  ва  $16,9 \pm 3,6\%$  га камайди. Ушбу натижалар кўрсатадики,  $K_{ATP}$ - ва  $K_{Ca}$ -каналлари ДКВ-11 конъюгатинининг гипоксия келтириб чиқарган вазорелаксациясига таъсирини таъминлашда иштирок этади.  $K$ -каналларининг гипоксия келтириб чиқарадиган вазорелаксацияда муҳим ролини инобатга олган ҳолда, олинган маълумотлар ДКВ-11 конъюгатининг  $K_{ATP}$ - ва  $K_{Ca}$ -каналларининг

функциясини ўзгартириб, уларнинг гипоксия шароитида бузилишларининг олдини олиш имкониятига эга эканлигини кўрсатиши мумкин.

Умуман олганда, ушбу тажрибалар сериясида олинган маълумотларга асосланиб, ДКВ-11 конъюгати гипоксия келтириб чиқарадиган қон томирлари бузилишларининг олдини олади, яъни вазопротектив таъсирга эга деган хулосага келиш мумкин. ДКВ-11 конъюгатининг бундай таъсири инозитол 1,4,5-трифосфат каскади,  $Ca^{2+}_L$ -каналлари функциясини модификацияси ҳамда NOS ва NO/sGC/cGMP/PKG сигнал йўлининг, шунингдек,  $K_{ATP}$ - ва  $K_{Ca}$ -каналлари фаоллашуви орқали таъминланиши мумкин.

## ХУЛОСАЛАР

1. F-18 алкалоиди, ДГК флавоноиди ва уларнинг конъюгати ДКВ-11 нинг вазорелаксанти таъсирга эга эканлиги аниқланди ва бунда уларнинг турли хил механизмлари констриктор хусусиятларига боғлиқ ҳолда таъминланиши кўрсатилди.

2. КС1-билан индуцирланган қисқариш шароитида F-18 алкалоиди, ДГК флавоноиди ва ДКВ-11 конъюгатининг вазорелаксанти таъсири  $Ca^{2+}_L$ -каналлари блокадаси билан таъминланади, бу СМХда  $Ca^{2+}$  ни киришининг камайиши ва хужайра ички миқдорининг пасайиши натижасида кузатилади.

3. Фенилэфрин билан индуцирланган қисқариш шароитида F-18 алкалоиди, ДГК флавоноиди ва ДКВ-11 конъюгатининг вазорелаксанти таъсири, асосан СМХда СР дан  $Ca^{2+}$  ионларининг чиқишининг ингибирланиши туфайли уларнинг хужайра ички миқдорининг камайиши билан таъминланади.

4. F-18 алкалоиди ва ДГК флавоноидидан фарқли ўлароқ, ДКВ-11 конъюгатининг вазорелаксанти таъсири эндотелийга боғлиқ бўлиб, бунда NOS ва NO/sGC/cGMP/PKG сигнал йўлининг фаоллашуви билан  $Ca^{2+}$  ионларининг плазмолеммадаги  $Ca^{2+}_R$ -каналлари орқали киришининг сусайиши, шунингдек, уларнинг СР дан чиқишини камайиши билан амалга ошади.

5. F-18 алкалоиди, ДГК флавоноиди ва ДКВ-11 конъюгатининг вазорелаксанти таъсири плазмолеммадаги  $K_{ATP}$ - ва  $K_{Ca}$ -каналлари фаоллашиши билан СМХ ларига  $Ca^{2+}$  ионларининг киришини сусайиши  $Ca^{2+}_L$ -каналлари инактивацияси орқали таъминланади.

6. ДКВ-11 конъюгати аниқ вазопротектив таъсирга эга бўлиб,  $Ca^{2+}_L$ -каналлари ва инозитол 1,4,5-трифосфат каскади функцияси модификацияси шунингдек, NOS ва NO/sGC/cGMP/PKG сигнал йўли ҳамда  $K_{ATP}$ -ва  $K_{Ca}$ -каналлари активацияси туфайли гипоксия чақирган бузилишлардан қон томирларни самарали ҳимоя қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.06.2020.В.70.03  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ  
КАРШИНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**КАРАКАЛПАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ЗАРИПОВ АБДИСАЛИМ АБДИКАРИМОВИЧ**

**ХАРАКТЕРИСТИКА МЕХАНИЗМА ВАЗОРЕЛАКСАНТНОГО  
ДЕЙСТВИЯ КОНЬЮГАТА АЛКАЛОИДА 1-(2'-БРОМ-4',5'-  
ДИМЕТОКСИФЕНИЛ)-6,7-ДИМЕТОКСИ-1,2,3,4-  
ТЕТРАГИДРОИЗОХИНОЛИНА И ФЛАВОНОИДА  
ДИГИДРОКВЕРЦЕТИНА**

03.00.08 – Физиология человека и животных

**АВТОРЕФЕРАТ**  
диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам

**Карши – 2022**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2021.3.PhD/B202.**

Диссертационная работа выполнена в Каракалпакском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (<http://qarshidu.uz>) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:**

**Есимбетов Адилбай Тленович**  
доктор биологических наук, доцент

**Официальные оппоненты:**

**Хушматов Шункор Садуллаевич**  
доктор биологических наук,  
старший научный сотрудник

**Чулиев Икром Ньматуллаевич**  
кандидат биологических наук

**Ведущая организация:**


**Андижанский государственный университет**


Защита диссертации состоится «22» 02 2022 года в 11<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета PhD.03/30.06.2020.B.70.03 при Каршинском государственном университете (Адрес: 180103, Карши, улица Кучабог, 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.uz). Каршинского государственного университета, Педагогически факультет кабинет 301.


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каршинского государственного университета (зарегистрировано под № 88). (Адрес: 180103, город Карши, ул Кучабог, 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.ru.)

Автореферат диссертации разослан: «7» 02 2022 г  
(реестр протокола рассылки № «1» от 7.02 2022).



  
**Ш.К. Курбанов**  
Председатель научного совета  
по присуждению ученых  
степеней, д.б.н., профессор

  
**Ш.А. Саматова**  
Ученый секретарь научного  
совета по присуждению ученых  
степеней, к.б.н., доцент

  
**М.Х. Ёзиев**  
Председатель научного семинара  
при научном совете по присуждению  
ученых степеней, д.б.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На сегодняшний день в мировом масштабе сердечно-сосудистые заболевания по-прежнему занимают ведущее место по степени смертности и это состояние является одной из актуальных медицинских, социальных и экономических проблем. В частности, наличие побочных эффектов наряду с положительным действием препаратов, применяемых при лечении этих заболеваний, приводит к снижению положительных результатов при профилактике и лечении артериальной гипертензии, являющейся широкораспространённой патологией сосудистой системы. Поэтому создание антигипертензивных лекарственных препаратов с четкими мишенями, низким уровнем побочных эффектов и высокой эффективностью в современной фармакологии и кардиологии, а также разработка новых подходов профилактики артериальной гипертензии имеет важное значение.

В мире в последние годы проводятся научные исследования по выявлению патологических механизмов, вызывающих заболевания сердечно-сосудистой системы, и разработке новых эффективных лекарственных препаратов для их лечения. В месте с этим, при разработке новых лекарственных средств для лечения этих заболеваний особое внимание уделяется биологически активным соединениям с широкими фармакологическими свойствами. В связи с этим, большое внимание в частности, уделяется, выявлению антигипертензивных свойств флавоноидов и алкалоидов, обоснованию механизмов их воздействия, анализу их эффективности и усовершенствованию скрининга этих соединений.

